Qishloq hayoti

Кишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 19-APREL, JUMA, 49 (8130)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди билан ҳамкорликда “Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш” лойиҳасини амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳосилдор қатламини сақлаш, уларни қайта тиклаш, атроф-муҳитни, она табиатни асраш ва барча табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш аграр соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кенгайтиришнинг асосий шартлари ҳисобланади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қизилқум ҳудудида кичик ирмоқ ва кўлларга бой ўтлоқлар, гуллаб-яшнаган майдонлар кўп бўлган. Бундай манзиллардан ҳўкиз, буғу ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари топилган. Учтут чақмоқтош кони яқинидаги машҳур Сармишсой дарасида қадимги даврнинг ноёб ёдгорлиги минглаб қоятош суратлари – петроглифлар мавжудлиги, айниқса, эътиборлидир.

Кунниинг муҳим воқеалари

▶ Шанхай Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ассоциацияси томонидан Шанхай кутубхонасига Ўзбекистон тарихи ва маданияти ҳақида атрофлича маълумот берадиган ўттизга яқин китоблар тўплами топширилди. Мазкур китоблар Шанхай кутубхонасига “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан тақдим этилди.

▶ **Бу йил жаҳон миқёсида энг кекса, нуфузли гуманитар ташкилот ҳисобланган Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Жамиятлари халқаро ҳаракатига 150 йил тўлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамиятида “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамиятининг ўрни ва роли” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.**

▶ Қарши шаҳрида вилоятдаги миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қиладиган “Дўстлик уйи” очилди. Унинг очилишида турли тилларда ватан, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар янгради.

▶ **Термиз шаҳрида ҳудудий саноат ярмаркаси ўтказилди. Унда Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларининг масъул ходимлари, корхона-ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлар, фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этдилар.**

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, ҳисоботлар ва рухсат берувчи тартиб-таомилларни қисқартириш ва соддалаштириш борасида тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар, имтиёзлар, афзалликлар ва енгилликлар мазмун-моҳиятига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтмоқда.

СОЛИҚ ҲИСОБОТИНИНГ ЯНГИ ШАКЛЛАРИ

СОДДАЛАШТИРИЛГАН, ҚИСҚАРТИРИЛГАН ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ҲИСОБОТЛАР ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТМОҚДА.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор қулайликлар яратилганлигини таъкидлаб ўтди. 2012 йилда 2 турдаги молиявий ҳисобот шакллари ҳамда давлат органлари ва хўжалик бошқарувлари томонидан доимий равишда талаб қилиб келинаётган 50 турдаги ҳисоботлар, 80 турдаги рухсат берувчи тартиблар ва 15 та лицензияланадиган фаолият турлари бекор қилинди. Шунингдек, 2013 йилдан бошлаб 12 турдаги солиқ ҳисоботларини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши, 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар бирлаштирилиб, 5 тага туширилиши белгиланди.

Фармон талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Солиқ кодексининг 29 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Эндиликда солиқ тўловчилар янгидан тасдиқланган шакл ва тартиб-қоидалар асосида ҳисоботларни тақдим этадилар. Янги солиқ ҳисоботи шакллари – уларни соддалаштириш, сонини қисқартириш ва солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, қайта ишлаш йўли билан такомиллаштирилди. Солиқ солинадиган объектнинг бир хиллигидан келиб чиқиб, айрим солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобот шакллари гуруҳлаштирилиб, ягона шаклларга келтирилди.

Агар 2012 йилда солиқ тўловчилар – юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича иккита шаклни тўлдириб ҳисобот тақдим этган бўлсалар, 2013 йилдан бошлаб улар ушбу иккала солиқ бўйича фақат 1 та шаклни тўлдирадиган бўлдилар. Ушбу солиқлар бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш учун маълумотномалар ҳам битта шаклга бирлаштирилди.

Ўтган йиллари йирик корхоналар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобот даври ойлик бўлган бўлса, жорий йилдан бошлаб чоракликка ўтказилади. Шу сабабли, ақсарият солиқ тўловчилар томонидан қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби, давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича 15 февралга қадар тақдим этилади.

Акциз солиғи ҳисобот шакли деярли икки бароварга соддалаштирилди. Эндиликда йирик корхоналар ҳам кичик бизнес субъектлари каби бир хил шакл бўйича ҳисоб-китобларни ҳар чоракда тақдим этадилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботи шакли чоракликдан йилликка ўтказилиши муносабати билан ҳисобот маълумотномалар шакли билан тўлдирилди ва фаолият кўрсатиб келаётган субъектлар ушбу маълумотномани жорий солиқ даврининг 25 январига қадар тақдим этиши лозим бўлади.

(Давоми 2-саҳифада)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 апрель куни Оқсаройда “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жаони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ОТБга ривожланиш йўлидаги муҳим стратегик ҳамкор сифатида қаралишини таъкидлади.

Ўзаро ҳамкорлик ўрнатилганидан буён, 2013 йил 1 апрель ҳолатига кўра, ОТБ Ўзбекистонга қиймати 13,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ лойиҳалар учун 48 заём пакети ажратишни маъқуллаган. Шунинг қарийб 4,5 миллиард долларлик қисми ОТБ томонидан молиялаштирилади. Амалдаги кредит портфели ҳажми бўйича ОТБ халқаро институтлар орасида етакчи ўрин эгаллайди. Хусусан, 2012 йилда қиймати 876 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳаларни молиялаштириш маъқулланди. Жорий йилда эса 837 миллион долларлик лойиҳаларни молиялаштиришни маъқуллаш кўзда тутилмоқда.

Ҳамкорликдаги лойиҳалар транспорт инфратузилмалари, қишлоқ хўжалиги, умумий ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими, коммунал хўжалик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, уй-жой қурилиши, шунингдек, энергия ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш каби йўналишларни қамраб олади.

ОТБ қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс дастурни амалга оширишда катта ёрдам кўрсатмоқда ва шу мақсад учун 500 миллион доллар маблағ ажратган. Ушбу дастурнинг юксак натижалари – қишлоқ ҳудудларида 23 мингдан зиёд замонавий, шинам ва қулай уйлар барпо этилди, 70 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди, қарийб 700 ижтимоий инфратузилма объекти қурилди.

Шиао Жао қишлоқ жойларда уй-жой қуриш дастурининг ноёблигини қайд этар экан, муқобили бўлмаган ушбу модель ҳар томонлама чуқур ўрганишга муносиб эканини таъкидлади.

Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг нафақат салмоғи ошмоқда, балки йўналишлари ҳам кенгаймоқда. Буни сўнгги йилларда қайта тикланувчи энергия манбаларининг улкан имкониятларидан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилганида ҳам кўриш мумкин. Юқори технологияли лойиҳа – Самарқанд вилоятида минтақадаги биринчи, қуввати 100 МВтни ташкил қилувчи қуёш фотоэлектрик станциясини барпо этиш лойиҳаси алоҳида эътиборга сазовордир. Бугунги кунда ОТБ томонидан ушбу лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шиао Жао самимий меҳмондўстлик ва ғоят муҳим аҳамиятга эга конференция ташкил этилгани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди.

ЎзА

Сўз – халқаро конференция иштирокчиларига

АНЖУМАН ҒОЯТ ФОЙДАЛИ БЎЛДИ

2013 йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуманда олтмишдан зиёд мамлакатдан уч юздан ортиқ олим, мутахассис ва эксперт иштирок этди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари хорижлик меҳмонларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Жамол ЧАЙХУНИЙ, “Lacasa” компанияси бош директори (БАА):

– Ўзбекистон ҳақида жуда кўп эшитиб, ўқиб, уни зиёрат қилмоққа жуда орзуманд бўлиб юрар эдим. Бу ерга келиб, халқингизнинг чинакам бахтли ҳаёт кечираётганига тўла амин бўлдим. Бундай саодатли ва фароғатли ҳаётдан мамнунлик ва бахтиёрлик ҳисси одамларнинг юз-кўзида намоён. Зеро, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан юритилаётган оқилона сиёсат халқингизнинг тинч, осойишта ва фаровон яшашига хизмат қилаётир. Ўзбекистон қишлоқларида сўнгги йилларда пухта ўйланган режа, катта иштиёқ ва ғайрат билан қурилган, қурилаётган бир-биридан гўзал, қулай ва файзли уй-жойлар бунинг мисоли. Аҳолининг ҳаёт сифатини янада ошириш масалаларига бағишлаб Тошкентда юксак савияда ташкил этилган ва дунёнинг кўплаб мамлакатларидан етакчи олим ва мутахассислар иштирок этган ушбу халқаро анжуман Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари жаҳонда қизиқиш уйғотаётганидан далолат беради. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этгани, чуқур таҳлил, янги таклиф ва ташаббусларга бой нутқ сўзлагани конференция нуфузини янада оширди.

(Давоми 2-саҳифада)

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ УЧУН ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР ТИЗИМ

Ҳали-ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда. Бунинг асосий омили эса мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибордадир. «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун». Ушбу тамойил ҳам юртимизда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлигининг ёрқин намунасидир. Келинг, бу жараёндаги ишларни «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки мижозларининг фикри асосида таҳлил этамиз.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат.

«Rubber trast» хусусий корхонаси ишчиси Назиржон Раҳмонов.

– Ҳар қандай тадбиркорлик, авало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ орқали шакллантирилади, – дейди Андижон вилоятидаги “Rubber trast” хусусий корхонаси раҳбари Абдулҳошим Исмоилов. – Шу маънода айтганда, тадбиркорнинг иши молия муассасаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар икки томон ўртасидаги ишончли ҳамкорлик эса юксак муваффақиятларга мустаҳкам гаров бўлади. Фаолият бошлаганимизда “Микрокредитбанк” билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ишимизни кўрган, бизнес режаларимизни таҳлил этган банк жамоаси молиявий мадад беришни маъқул топди. 2008 йили 200 миллион сўмлик кредит берди. Унга резина тайёрловчи замонавий технология олиб келдик. Шу билан ишимиз юришиб кетди. Айни пайтда “GM Uzbekistan” корхонасига етказиб бераётган автомобиль эҳтиёт қисмлари учун ҳар хил маҳсулотлар ана шу дастгоҳда ишлаб чиқарилади. Қолаверса, замонавий технология иш суръатини ошириб, даромадимизни юксалтирди. Кредитни вақтида қайтардик. Банк бизга ишонди. Банкнинг ишбилармонликни ривожлантиришга қаратилган турли кредитларидан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни тобора кенгайтириб келяпмиз. Ўтган йили мана шу ишонч асосида яна банкка бизнес режа тақдим этдик. Андижон туманидаги марказида маҳсулотларимизни сотиш учун савдо нуқтаси ташкил этмоқчи эдик. Буни ҳам банк жамоаси қўллаб-қувватлаб, 150 миллион сўм сармоя ажратди. Қурилиш ишлари бораётган объектга ҳар гал борганимда ишнинг суръатини кўриб, вақтида молиявий мадад бериб турган банкдан миннатдор бўламан. Келажакда режаларимиз кўп. Жумладан, жорий йилда энг замонавий типдаги экспортга мўлжалланган пойабзаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқчимиз. Яна бир режамиз жундан сифатли мато тайёрлашни йўлга қўйиш. Бу жараёнда ҳам банкнинг мададига суянамиз, албатта.

Банк томонидан хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш, уларга ҳар томонлама мададкор бўлиш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётир. 2013 йилнинг ўтган даврида кичик бизнесга ажратилган кредитлар қўйилмаси салкам 1,7 баробар ортиб, 363,4 миллиард сўмни, кўрсатилган микромолиявий хизматлар 1,4 баробар ортиб, 147,4 миллиард сўмни ташкил этди.

Молия муассасасининг барча филиалларидаги “Тадбиркорлар хонаси”да маслаҳат ва зарурий маълумотлар бериш мақсадида юқори малака ва тажрибага эга бўлган маъсул ходимлар фаолият юритмоқда. Мижозларнинг фикру мулоҳазалари ва эътирозлари “Банк ва мижоз: жонли мулоқот” кунларида мунтазам ўрганиб борилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ УЧУН ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР ТИЗИМ

(Боши 1-саҳифада)

– 2008 йилда хусусий корхонани ташкил этиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз, – дейди Навоий шаҳридаги “Кармана пўлат” хусусий корхонаси раҳбари Озода Ражапова. – Ишимиздаги ривожланиш омилларидан бири молиявий қўллаб-қувватлашда деб биламан. Икки йил олдин молия муассасасига тикувчилик цехи ташкил этишни мақсад қилиб мурожаат этгандик. Банкка тақдим этган бизнес лойиҳамиз маъқулланди. Ажратилган 70 миллион сўм микрокредитга замонавий тикув машиналари сотиб олдик, хомашё билан доимий таъминлашни йўлга қўйдик. Бугунги кунда тикув цехимизда 45 нафар хотин-қиз иш билан банд. Уларнинг орасида моҳир чеварлари ҳам, эндигина ишни ўрганаётган қизлар ҳам бор. Касаначиликни ҳам ташкил этдик. Бу билан аёлларимизга уйидан, бола тарбиясидан ажралмаган ҳолда даромад топиш имконияти ҳам яратилди. Бугунги кунда эркаклар ва аёллар либосларини тикяпмиз. Бунинг учун бозорни ўрганамиз. Одамлардан фикр оламиз. Шу боис бўлса керак, маҳсулотларимиз ўз харидорларини топиб улгурди. Бу йил фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Имкониятлардан, шароитлардан, имтиёзлардан фойдаланиб, янги йўналишлар, янги тармоқлар очмоқчимиз, кўплаб янги иш ўринлари яратмоқчимиз. Уларга коллеж битирувчиларини жалб этамиз. Ана шу эзгу ниятларимиз ушалишида ҳам “Микрокредитбанк”ка суянамиз.

Молия муассасаси томонидан амалга оширилаётган ишларда бу каби эътирофларни кўп бора эшитиш мумкин. Хусусан, тадбиркор аёллар номидан ҳам. Зеро, банк бугунги кунда тадбиркор аёлларнинг ҳақиқий мададкорига айланиб улгурди. Буни олиб борилаётган ишларда ҳам кўриш мумкин.

Обод турмуш йили муносабати билан жорий йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг UNWOMEN тузилмаси ҳамкорлигида “Микрокредитбанк” кўмагида “Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш” лойиҳаси доирасида гуруҳ кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш лойиҳасининг 2 босқичи амалга оширила бошланди. Лойиҳа қўлида ҳунари бўлган, ўзи маблағ топишни истаётган аёлларни бирлаштирган, уларнинг иқтисодий саводхонлигини оширган, пул жамғаришни ўргатаётган ҳар бир аёлнинг иқтисодий ҳаётига ижобий таъсир ўтказади. Ушбу мақсадда банк мутахассислари томонидан жорий йилнинг ўтган ойлари давомида Қонликўл, Қарши, Тошлоқ, Фориш, Мирзаобод, Юқори Чирчиқ туманларида ўзаро ёрдам гуруҳларини билим даражаси ва салоҳиятини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этилди. Гуруҳ аъзоларининг мақсад фаолиятлари йўналишидаги бизнес-режаларини ишлаб чиқишда амалий кўмак берилди. Гуруҳларга жалб этилган 500 нафардан ортиқ аёллар ўзаро ёрдам гуруҳларига бирлашдилар. Кредит олиш учун зарурий таъминотга эга бўлмаган ушбу аёлларга жорий йилнинг апрель-май ойлари давомида ўзаро гуруҳ аъзолари кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоялардан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида “Микрокредитбанк” томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 733 нафар тадбиркор аёлга 3,7 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

– Ҳунармандлик менга ота касб, – дейди Нукус туманилик оилавий тадбиркор Азатбай Отарбаев. – Ўттиз йилдан ошдики, шу соҳада меҳнат қилиб келяпман. Мана бугун укаларим, ўғилларим, қизларим билан оилавий тадбиркорлик корхонасини ташкил этиб, фаолият юритяпмиз. Корхонамизда ёғочдан, қамишдан, лойдан ва металлдан турли созлар, мусиқа асбоблари ясаш йўлга қўйилган. Бугунги кунда улар тури 25 тага етди. Банкнинг мадади билан кўплаб созларнинг қадимий турларини қайта тикладик. Мана масалан, яқинда аждодларимиз ғижжак ясашда қовоқдан фойдаланишганини билиб қолдим. Яъни ғижжак косасини қовоқдан ясашган экан. Изланиб, уни ўзлаштирдик. Айни вақтда худди шундай ғижжакларни ясаяпмиз. Умуман олганда, бундан юз йиллар аввал тайёрланган мусиқа асбобларининг 8 турини топиб, уларни тайёрлашни ўзлаштирдик. Фаолиятимизни ривожлантиришда оилавий бизнесга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Келгусида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб, янги иш ўринлари ташкил этмоқчимиз. Албатта, бу жараёнда ҳам яқин ҳамкоримиз – “Микрокредитбанк” мададкор бўлади.

Ҳа, мижоз эътироф этганидек, банк томонидан оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида “Микрокредитбанк” томонидан оилавий, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига 6,4 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани ҳам фикримиз далилидир.

“Микрокредитбанк” бугунги кунда 84 та филиали, 188 минибанки ва кўплаб агентликлари билан республикамизнинг энг чекка ҳудудларига кириб борди. Бу банк ташкил этилганидан буён қарийб етти йиллик фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни сармоялаш учун 1,2 триллион сўм миқдорида кредит ажратгани, 707 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизмат кўрсатганида ҳам намоёндир.

Молия муассасаси ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада жойларда, айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қиляпти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришига кўмаклашмоқдалар. Жорий йилда тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида битирувчиларга 3,9 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Бу борада амалга оширилган ишлар натижаси яқинда бўлиб ўтган “BANKEXPO–2013” – банк тизими технологиялари, ускуна ва хизматлари олтинчи анъанавий миллий кўргазмасида ўз тасдиғини топди. Тадбирда банк томонидан аҳоли ва тадбиркорлар учун тақдим этилаётган кредитлар, микролизинг хизматлари, омонат турлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Айниқса, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, кичик тадбиркорлик субъектлари, ёш оилалар, оилавий бизнес, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчиларига таклиф этилаётган банк хизматлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазмада ташкил этилган танловнинг “Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” номинациясида “Микрокредитбанк” ғолиб деб топилди. Бу банкнинг ёшларга қаратаётган эътиборига берилган холис эътирофдир.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири

АНЖУМАН ҒОЯТ ФОЙДАЛИ БЎЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Ўзбекистоннинг бой тарихи билан танишиш имконига эга бўлганимдан жуда хурсандман. Бой тарих ва юксак маданиятга эга Ўзбекистоннинг истиқболи янада буюк бўлишига ишонаман. Меъмор сифатида Тошкентда яқин йилларда бунёд этилган иншоотлар, жумладан, “Маърифат маркази” ва “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи дизайни ва лойиҳаси, қурилишида фойдаланилган материаллар сифати ҳавасимни тортди. Ўзбекистонда барча йўналишларда иқтидорли ва ғоят қобилиятли истеъдод эгалари кўплигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Бернадет МИЛЛ хоним, Лондоннинг Уолтхэм Форест тумани муниципал кенгаши депутати, Буюк Британия Парламенти маслаҳатчиси:

– Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги “Гаждумак” массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилган якка тартибдаги уйлар, уларда яратилган шароит ва қулайликлар билан танишиб, унутилмас таассуротларга эга бўлдим. Айниқса, уйларнинг юксак стандартлар асосида қурилгани эътиборимни тортди. Бунда вақт ўтиши билан оила аъзоларининг кўпайиши ва миллий анъаналар ҳам эътиборга олингани муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон қишлоқларида уй-жойлар қуришнинг менга ёққан яна бир муҳим жиҳати шундаки, янги массивларда турли маиший хизмат кўрсатиш объектлари – гўзаллик салонлари, савдо дўконлари, болалар спорт майдончалари каби иншоотлар барпо этишга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Булар қишлоқ аҳолисининг шу ернинг ўзида эҳтиёжларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Лучио АСКИНИ, “Archest” қурилиш компанияси бош директори (Италия):

– Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқингиз турмуш фаровонлигини яхшилашга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли қишлоқ одамлари ҳам барча қулайликлар яратилган кўркам уй-жойларга эга бўлмоқда. Буни мен Тошкент ва Бухоро вилоятларида барпо этилган, узоқ муддатли кредит эвазига тайёр ҳолда топширилган уй-жойлар мисолида кўрдим. Мамлакатингизда уй-жой қуришнинг ўзига хос мактаби яратилган. Хоналари кенг, ёруғ ва шинам янги уйлар замонавий усулларда, жуда сифатли қурилган. Уларни барпо этишда табиий иқлим шароити, шамол йўналиши, тупроқ қатлами, халқингизнинг урф-одат ва анъаналари ҳисобга олингани таҳсинга сазовор.

Компаниямиз меъморчилик ва муҳандислик соҳаларига ихтисослашган. Ушбу йўналишларда Ўзбекистондаги турдош корхоналар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ниятидамиз. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, маданий йўналишлар, шунингдек, фантаълим ва сайёҳлик каби кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ва қўлга киритилаётган ютуқлар ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, юртингиз қиёфасини янада гўзаллаштириш борасида амалга оширилаётган беқиёс ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Никос СОФИАНОС, Афина савдо-саноат палатаси бош котиби (Греция):

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқи мамлакатингизда ижтимоий, иқтисодий, гуманитар соҳаларда амалга оширилган ва оширилаётган, эришилаётган муваффақиятларни, фойдали маълумотларни қамраб олгани билан конференция иштирокчилари эътиборини тортди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан соҳа мутахассислари, олим ва экспертлар иштирок этган халқаро конференция жуда муваффақиятли ўтди, унинг барча иштирокчилари учун ғоят фойдали бўлди, дейиш учун барча асослар бор. Унда Ўзбекистонда уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш тизимининг ўзига хос модели, босқичма-босқич амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар билан танишиш ва бу борада мамлакатингизнинг бой тажрибасидан фойдали жиҳатларни ўрганиш, фикр ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдик.

Тошкент вилоятида қурилган уй-жойлардаги шароитларни кўриб, кўз қувонади. Тайёр ҳолда топширилган, халқингизнинг миллий менталитетига мос қурилган намунавий лойиҳадаги бу уйлар қурилиши баробарида, маҳаллаларга яқин жойларда болалар боғчаси, мактаб, қишлоқ врачлик пунктлари, гузарлар, спорт майдончалари, савдо мажмуалари ҳам барпо этилгани оилалар учун зарур кундалик эҳтиёжларни таъминлашга хизмат қилади ва бу жуда катта аҳамиятга эга.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА ёзиб олди.

СОЛИҚ ҲИСОБОТИНИНГ ЯНГИ ШАКЛЛАРИ

“Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди билан ҳамкорликда “Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш” лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳа доирасида фермер ва тадбиркор аёлларнинг бизнес малакалари ва молиявий саводхонлигини ошириш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш режаси ишлаб чиқилди. Яқинда эса амалий тадбирлар бошланди.

ФАРОВОНЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИҲА

– Шу каби тренингларнинг ўтказилиши ишбилармон аёлларни қўллаб қувватлашда муҳим аҳамиятга эга, – дейди амалга оширилаётган лойиҳада мураббий сифатида иштирок этган Раъно Раҳимова. – Бугунги кунда улардан кўпчилиги, айниқса, қишлоқ жойларида, катта ташаббус кўрсатишга ва бизнесда фаол иштирок этишга тайёр. Уларнинг билим ва малакасини шакллантириш эса ҳақиқий иштирокчига айланишига хизмат қилади. Хоразм вилоятидан келиб семинарда қатнашдик. Асосан фермер аёлларга бухгалтерия ҳисобини ўргатиш, давлат органлари билан муносабатлар тартиби ва банкдан кредит олиш бўйича ишлаймиз. Вилоятимизда 500 нафар аёлларни қамраб олишни режалаштиряпмиз. Бизнинг лойиҳамиз асосида бир қатор тадбиркор аёллар имтиёзли кредит олишлари мумкин. Бу борада “Микрокредитбанк”ка ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

“Микрокредитбанк” томонидан жорий йилда 5 минг нафар тадбиркор ва фермер аёлларга 20 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилиши режалаштирилган. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида амалга оширилган ишлар натижасида 733 нафар тадбиркор аёлга 3,7 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Анвар БОТИРОВ

(Боши 1-саҳифада)

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоботи чоракликдан йилликка ўтказилиши сабабли, ушбу солиқ ҳисоботи шакли ҳам жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича маълумотнома билан тўлдирилади. Ушбу маълумотномани фаолият юритаётган барча корхоналар жорий солиқ давринг 10 январига қадар тақдим этсалар-да, жорий тўловларни микрофирма ва кичик корхоналар ҳар чорак учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмасдан, йирик корхоналар эса, ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан тўлайдилар.

Ягона солиқ тўловининг ҳисобот шакли йирик корхоналар учун ойликдан чоракликка ўтказилиши муносабати билан қайтадан кўриб чиқилди. Бунда микрофирма ва кичик корхоналар тоифасига кирмайдиган ягона солиқ тўлови тўловчилари учун тўлаш муддатлари сақланиб қолинганлигини инобатга олиб, солиқ ҳисоботи чоракнинг ҳар бир ойи охирига солиқ суммаси кўрсатиладиган алоҳида сатрлар билан тўлдирилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича ҳисоб-китоб ва маълумотлар солиқ қонунчилигида рўй берган ўзгаришлар асосида янгитдан ишлаб чиқилди. Жисмоний шахсларга ҳисобланган даромадлар ҳамда жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлар расшифровкалари илгари ҳар чорак якуни билан тақдим қилинган бўлса, жорий йилдан бошлаб бир йилда бир маротаба йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш муддатида тақдим этилиши жорий қилинди.



Солиқ тўловчилар бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар юзасидан 2012 йилда учта алоҳида-алоҳида ҳисобот шаклларини тўлдириб, топширган бўлсалар, 2013 йилдан бошлаб учта ҳисобот шакл ўрнига битта шаклда соддалаштирилган ҳисобот тақдим этадилар.

Ўтган йилда солиқ тўловчилар ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бўйича иккита ҳисоб-китобни тўлдириб тақдим этган бўлсалар, жорий йилдан бошлаб фақат битта ҳисобот шаклини топширадилар. Бунда ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бўйича тўлаш муддатлари сақланган ҳолда, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ойликдан чоракликка ўтказилди ва бирлаштирилган ҳисоб-китобда алоҳида сатрлар назарда тутилди.

Умуман олганда, янги солиқ шакллари давлат солиқ хизмати органларига жорий йилнинг биринчи чорагидан тақдим этилади.

Кўргазмали семинар 20 апрелгача давом этади.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

ЗАМИН МУҲОФАЗАСИГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЗАРУР

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳосилдор қатламини сақлаш, уларни қайта тиклаш, атроф-муҳитни, она табиатни асраш ва барча табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш аграр соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кенгайтиришнинг асосий шартлари ҳисобланади.

Искандар АЗИЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Республикамиз бўйича 25 миллион гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари мавжуд бўлиб, суғоришга яроқли ер ресурслари 7 миллиондан 10 миллион гектаргача майдонни ташкил этади. Ер майдонларининг 16 фоизи ўтлоқли бўз тупроқлар, 44 фоизи ўтлоқлар, 30 фоизи бўз тупроқлар, 10 фоизи тақирсимон ўтлоқлар ҳисобига тўғри келади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бугунги кунда юртимиздаги суғориладиган майдонлар 4,2 миллион гектар бўлиб, унинг 3,3 миллион гектари шудгорли суғориладиган майдонлар ҳисобланади. Ана шу суғориладиган ерлардан республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоиздан ортиғи олинади. Сув тақчиллиги сабабли, суғорма ер майдонларини кенгайтириш деярли мумкин бўлмаганлиги учун бундай ерлар жон бошига ҳисоблаганда камайиб бормоқда. Масалан, 1970 йилда ҳар бир кишига 0,22 гектар суғориладиган ер тўғри келган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 0,14 гектаргача камайган. Шу боис, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминлашда илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда ернинг унумдорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда минерал ва органик ўғитларнинг палапартиш, ноўрин ишлатилиши ерга ножўя таъсир қилиб, ҳосилдорликнинг сезиларли даражада пасайиши ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келади. Шу боис, бу борада ҳам масалага жиддий ёндашиш, эҳтиёткорлик талаб этилади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги тупроқнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни унинг маданийлаштирилганлиги, озиқлантирувчи моддалар билан таъминланганлиги, механик таркиби, шўрланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқлигини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Олим ва мутахассисларнинг аниқлашича, ўсимликларнинг тупроқдан минералларни олиб чиқиши ўртача толали ғўза навининг бир тонна ҳосили учун 55-60 кг. азот, 20-25 кг. фосфор ва 50-60 кг. калийни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, 3,6 миллион тонна пахта ҳамда 6 миллион тоннадан ортиқ буғдойнинг ялпи ҳосили бир йилда тупроқдан 348,5 минг тонна азот, 106 минг тонна фосфор, 281,4 минг тонна калийни тортиб олади. Бундан ташқари, бошқа ўсимликлар ҳам тупроқдан кўпгина озиқлантирувчи минералларни талаб этади. Ўз ўрнида, уларнинг тупроқ таркибидаги ўрнини тўлдириш зарур бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги асосий муаммо тупроқ ҳосилдорлигини оширувчи гумус аралашмаси билан боғлиқ. Олимларнинг таҳлилларига қараганда, республикамиз тупроқлари ушбу муҳим элемент таркибига кўра, кам таъминланган тупроқлар хилига мансуб бўлиб, тупроқда дегумификация, яъни гумуснинг парчаланиши жараёни кузатилмоқда. Тупроқдаги гумуснинг 1 фоиз миқдорда йўқолиши қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, дон ҳосилдорлигининг гектарига 2-3 центнер пасайишига олиб келади. Алмашлаб экишнинг қисқариши, органик ўғитларнинг етишмаслиги ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланмаслик дегумификация жараёнини кучайтиради.

Мамлакатимизда сўнгги ўн йилликда суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш ва ер маҳсулдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2007 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинганлиги, улар ижросини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 19 мартдаги “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорининг эълон қилиниши бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, республикамизда суғориладиган ерларнинг 49,8 фоизини шўрланмаган ерлар, 31,5 фоизини кучсиз шўрланган ерлар, 15,2 фоизини ўртача шўрланган ерлар, 3,5 фоизини кучли шўрланган ерлар ташкил этади.

Мамлакатимизда ердан унумли ва тўғри фойдаланишни назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, унинг жойлардаги бўлинмалари



ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан мунтазам равишда мониторинг ишлари ўтказиб келиняпти. Ер кодекси ва “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида умумий майдонда ердан фойдаланиш борасида ер қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари, ерлардан белгиланган мақсадга зид равишда фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерларини яроқсиз ҳолга келтириш, ерлар ҳолатини яхшилаш бўйича мажбурий тадбирларни бажармаслик билан боғлиқ қонунбузарликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асоси бўлган ер ва ер ресурсларидан фойдаланишда нафақат давлатимиз қонунчилиги ва назорат органлари фаолиятини кучайтириш, балки фуқароларнинг бу борадаги тушунча ва масъулиятларини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу муҳим масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан ер ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқшунослик ва тупроқ унумдорлигини ошириш борасида назорат таҳлил тартибида ўрганишлар, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, соҳага оид қонунларни янада такомиллаштириш бўйича таклиф-мулоҳазалар ўрганилмоқда.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар диққатига!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИИБ УЯ-64/ТХ-14 МУАССАСАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Буюртмачи: ***Андижон вилояти ИИБ УЯ-64/ТХ-14 муассасаси.*** *(Андижон вилояти Андижон шаҳри Ўш кўчаси 202-уй) Тел.: (998 74) 224-85-19.*

Андижон шаҳридаги УЯ-64/ТХ-14 муассасасининг 3-тартибот биносини капитал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **284.998.200 сўм.**
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **237.498.590 сўм.**
Ишларни тугаллаш муддати – **2013 йил 1 декабрь.**

Молиялаштириш манбааси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.

Танлов савдоларида таклиф этилган шартлар бўйича мудофаа объектларини қуриш ва таъмирлаш фаолиятига Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган махсус лицензияга эга бўлган маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари ҳамда фирмалари иштирок этиши мумкин.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолотномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказиг**а қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон ш. Чинобод кўчаси 59-уй, тел.факс: 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларини нархи: **70 000 сўм.**

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишни охирги муддати, офёрталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИКСЕЗ ТАШОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТАМ: ЛОТ № 1-2

Лот № 1-2

1-1. "Реконструкция школы №20 в г. Ангрене Ташкентской области".

Стартовая стоимость **с НДС — 150 000 000 сум.**

Стартовая стоимость **без НДС — 125 000 000 сум.**

Срок строительства — 4 мес.

1-2. "Реконструкция школы №14 в Куйичирчикском районе Ташкентской области".

Стартовая стоимость **с НДС — 150 000 000 сум.**

Стартовая стоимость **без НДС — 125 000 000 сум.**

Срок строительства — 4 мес.

ВНИМАНИЕ: *Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн. сум и капитального ремонта финансируемых за счет средств государственного бюджета и иных централизованных источников осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.*

Финансирование проекта будет осуществляться за счет госбюджета.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Заказчик: Инжиниринговая компания службы единого заказчика Ташкентского областного хокимията.

Адрес заказчика: г.Ташкент, проспект А.Темура 17.

Тел: 236-06-95.

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств в раземере 20 % от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами, на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций для оценки их конкурсных предложений предусматривается следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент ул.Навои дом 18, 308/311 комнаты. Телефон (факс).: 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — **150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.**

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, проспект А.Темура 19.

Вскрытие оферт состоится по истечении 30 дней со дня публикации объявления.

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги шаҳар ҳокимлиги биносини мукаммал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — **188,385 млн. сўм,** қўшилган қиймат солиғисиз – **156,987 млн. сўм,** қурилиш муддати – **60 кун.**

2. Сурхондарё вилояти Ангор тумани Ат-Термизий кўчасидаги Сурхондарё вилояти МХХга қарашли яшаш уйини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — **267,201 млн. сўм,** қўшилган қиймат солиғисиз – **222,667 млн. сўм, қурилиш муддати – 180 кун.**

3. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри А.Навоий кўчасидаги "Баркамол авлод" болалар марказининг талаб даражасида фаолият юритиши учун ёрдамчи таъмирлаш ишлари.

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — **275,736 млн. сўм,** қўшилган қиймат солиғисиз – **229,78 млн. сўм,** қурилиш муддати – **90 кун.**

4. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри А.Навоий кўчасидаги 2-сонли яшаш уйи биносининг том қисмини мукаммал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — **163,189 млн. сўм,** қўшилган қиймат солиғисиз – 135,991 млн. сўм, қурилиш муддати – **30 кун.**

5. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри А.Навоий кўчасидаги 10-сонли яшаш уйи биносининг том қисмини мукаммал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — **217,765 млн. сўм,** қўшилган қиймат солиғисиз – **181,471 млн. сўм,** қурилиш муддати – **60 кун.**

6. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри А.Навоий кўчасидаги 21а-сонли яшаш уйи биносининг том қисмини мукаммал таъмирлаш. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — **121,209 млн. сўм,** қўшилган қиймат солиғисиз – **101,007 млн. сўм,** қурилиш муддати – **30 кун.**

7. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри А.Навоий кўчасидаги 32-сонли яшаш уйи биносининг том қисмини мукаммал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — **161,156 млн. сўм,** қўшилган қиймат солиғисиз – **134,296 млн. сўм,** қурилиш муддати – **30 кун.**

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси. Манзил: Термиз шаҳри А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел. (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85 ф.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Вилоятнинг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

